

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн тўртинчи мақола)



16:19 / 09.05.2020 2358

33. Рамазоннинг хусусиятларидан бири – сафардаги киши уни сафардан қайтгач, шаръий узрга яроқли касаллаикка чалинган киши тузалгач қазосини тутиб бериши мумкин. Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, саноғини бошқа кунлардан тутадир».** (Бақара сураси, 184-оят).

Шунингдек, ҳайзли аёл покланганда, намоздан фарқли равишда, Рамазон рўзасининг қазосини тутиб бериши лозим.

34. Рамазондан бошқа бирор ой тўла рўза билан ўтказилмайди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазондан бошқа пайт ҳеч қачон бир ой тўлиқ рўза тутмаганлар».**

Бухорий ривояти.

35. Рамазонда тунги нафл намозлар масжидларда жамоат билан ўқилади. Фикҳий китобларимизда нафл намозларни жамоат бўлиб ўқишга доир турли фатволар бор. Хусусан, масжидда нафл намозларни жамоат бўлиб ўқишдан қайтарилади. Фақат Рамазон ойида таровеҳ ва таҳажжуд намозларини, уларга қўшиб витр намозини жамоат бўлиб ўқиш суннатлигини жумҳур уламолар таъкидлаган. Шунга кўра, бутун Ислом оламида Рамазон ойида масжидларда мўмин-мусулмонлар таровеҳ ва таҳажжуд намозларини жамоат бўлиб ўқишади, уларда хатми Қуръонлар қилишади. Буларнинг барчаси ушбу ойнинг фазилатларидандир.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид